


МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ЙҮФРИЛГАН УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ



Халқимизнинг гўзал анъаналари, қадриятларини ўзида мужассам этган “Уч авлод учрашуви” Мунчоқтепа маҳалласи фуқаролари учун байрамона кайфият бағишилади.

Тадбир худуд аҳли учун ҳақиқий байрам сайлига айланди.

Тарих зарвақларидан сўзловчи ўтовлар, сумалак сайли, фолклор ансамблининг чиқишилари, миллий куй-қўшиқлар, лапарлар тадбирга ажиг бир тароват бағишилади.

Туман ҳокими Р.Гаппаров тадбирда иштирок этиб, юртимизда инсон қадри улуғланаётгани, жамиятимизнинг ҳар бир аъзосига ғамхўрлик, меҳр-оқибат кўрсатилаётгани, халқимизнинг орзу-ниятларини рўёбга чиқаришга имконият яратилаётганини айтиб ўтди.

Тадбир давомида ёши улуғ отахон ва онахонларимизнинг ҳаёти давомида тўплаган бой тажрибалари ҳақидаги фикирлари ёшларга маънавий озуқа, ибрат мактаби бўлди.